Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши

18 ДЕКАБРЬ 1967 й
ДУШАНБА
№ 293 (448)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИНО ТАЙЁР

Чилонзорликлар яна бир туғруқхонага эга бўлишди. Массивнинг 7 ва 8 кварталидаги оралиғида кўркам бинонинг ҳавозалари йиғиштириб олинди. Бино қурилиши 153-қурилиш трестининг 1-бошқармаси устакорлари меҳнатига мансуб. Туғруқхонада ҳомиладор оналар ва янги дунёга келган меҳмонлар учун барча шароит муҳайё. Қурувчилар оналаримизга яхши совға тайёрлашган.

Район соғлиқни сақлаш бўлимида мухбиримизга бундай дейишди.

— Туғруқхона янги йил арафасида очилади. 150 ўрин тайёрланмоқда. Туғруқхонада малакали шифокорлар ишлашади. У совет медицина техникасининг замонавий аппаратлари, жиҳозлари билан таъминланади.



Тошкент трикотаж фабрикасининг пешқадам йигирувчиси Н. Валиева шу корхона йигирув-тўқув цехининг ёш ишчиларидан бири. Мунтазам равишда аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб барча топшириқларини ортиғи билан адо этувчи бу меҳнатсевар тўқувчи ҳозир янги йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Н. Валиева.

М. НУРИДДИНОВ фотолари.

Бугун

Миллий либослар ателъеси

Ателъега киришингиз билан қатор осилиқ турган, лов-лов товланаётган атлас кўйлакларнинг кўриниши кўзингизни қувнатади. Кўйлаклар ёнида миллий тўнлар, камзуллар эгасига мунтазир. Чеварларнинг қўли-қўлига тегмайди. Рихси Усмонова тунни ўзи бичиб, ўзи тикдирди, Нафиса Камолова, Мунаввар Шокировалар камзул тикиш билан машғул.

Шаҳримизнинг Уйғур кўчасидаги Дарвоза бекатида миллий кийимлар ателъесининг ишга туширилганига яриим йил бўлиб қолди. Қисқа вақт ичида аҳоли ателъе хизматидан баҳраманд бўлди. Бу ерда тўн бузортирган Мирҳамидов, Раҳматов каби отахонлар чеварлардан миннатдор бўлишди.

Миллий либослар ателъесига марҳамат қилинг!

Йиллик планга қўшимча

Тошкентдаги «Средазстроймеханизация» трести ишчи-хизматчилари коллективи юбилей йилида ажойиб муваффақиятни қўлга киритди. Улар қурилиш ишлари йиллик топшириғини муддатидан йигирма кун олдин адо этдилар.

Трест коллективи юбилей йилида Урта Осиё ва Қозогистон йўлларида бир қанча қурилиш ишларини олиб борди. Коллектив ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, пландан ташқари яна 1200 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олди.

Турнир олдидан

Ўзбек чарм қўлқоп усталаридан Геннадий Яблоков, Николай Хромов, Борис Ниёзов, Петр Чедиковских ва Яков Шпрингерлар СССР терма командаси составида халқаро турнирга тайёргарлик кўришмоқда.

Халқаро турнир Москвада декабрь ойининг охирларида ўтказилади.

Қардошлар тажрибаси

Ҳар қайси гул ўз ниси, чиройи билан бир-биридан ажралиб турганидек қардошларимиз тиклаган бинолар ҳам бир биридан гўзаллиги, қулайлиги билан фарқ қилади. Қардошлар Тошкентда мўлжалдаги ишларини тугаттач ўз уйларига қайтишади. Лекин шаҳримизда кейинчалик ҳам кўпгина бинолар қуриш планлаштирилганку?

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети москвалик ва ленинградлик ҳамда бошқа қардош қурувчилар иш тажрибасини ўрганиш юзасидан махсус қарор қабул қилди. «Главмосстрой», «Главленинградстрой», «Укрстрой», «Росташстрой» қурувчиларининг тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу ишга раҳбарлик қилиш ва уни олиб бориш Ўзбекистон Давлат қурилиши зиммасига тушди.

Бу ерда келгуси йилнинг 3 январидан биринчи семинар машғулот бошланади.

— Машғулотлар 1 июнгача давом этади,— дейди иш тақсимлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари В. В. Сафронов.— бу давр мобайнида 700 киши қардош қурувчилар иш тажрибасини ўрганади.

— Машғулотлар қай тарзда олиб борилади?— сўраймиз Владимир Васильевичдан.

— Бир машғулотда 60—70 бинокор қатнашади— дейди у.— биринчи группа билан 10 кун машғулот олиб борилгач, иккинчи группа иш бошлайди. Ундан сўнг учинчиси... шу тарзда давом этаверади.

— Тингловчилар фақат назарий билим оладиларми, ёки...

— Машғулотларимиз ҳам амалий, ҳам назарий бўлади. Тажриба ўрганувчилар чоштоҳғача лекция тинглашади, ундан кейин қурилиш ҳавозаларига чиқишади.

Семинар-машғулотга Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларидан қурувчилар, инженер-техник ходимлар жалб қилинади, 5 ой мобайнида 470 қурувчи, ҳамда 230 инженер-техник ходим қардош қурувчилар иш тажрибасини ўрганади.

Машғулотларни Ўзбекистон ССР қурилиш ташкилотларининг мутахассислари ва қардош республикалар, шаҳарларининг қурувчи мутахассислари олиб боришади. Семинарнинг тематикаси хилма-хил. Ўзбекистонлик қурувчилар қардош бунёдкорларнинг пардозлаш, гишт терish, қурилиш ҳавозаларида механизациядан фойдаланиш, меҳнатни илмий ташкил қилиш ва бошқа шу каби иш тажрибаларни ҳам ўрганишади. 700 бинокор ва инженер-техник ходимлар бу ерда ўрганган нарсаларини ўзлари ишлаб турган жойларда дўстларига ўргатадилар.

Машғулотлар якунлангач «Қардош қурувчилар иш тажрибаси» номли китоб босиб чиқариш мўлжалланган.

ИШЧИ ИШЧИ ҲАҚИДА

АЖОЙИБ ДЎСТЛАРИМ БОР

КИЗИЛ майдоннинг доҳий Ленин қўл чўзиб кўрсатиб турган томонидан чап чеккасида икки дарвоза ярим кериниб турипти. Уларнинг остида бульдозерларнинг гулдури, пайвандлаш асбобларининг кўз қамаштирувчи нури, болғаларнинг тарақ-туруқи—меҳнат шовқин-сурони кеча-кундуз тинмайди.

Бу ерда Тошкентимизнинг тўрт даҳасидан кўринадиган энг баланд—19 қаватли бино қурилаётганини билмаган ҳамшаҳаримиз топилмаса керак. Аммо, мана шу ажойиб бинони қураётган ажойиб кишилар ҳақида-чи?..

Мен шу кишилар ҳақида—11-«Висотстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг қурувчилари тўғрисида ёзмоқчиман. Чунки улар билан—ҳар куни биргаман, электр ва газ пайванди ҳамда бетон ҳиди анқиган ҳаводан бирга нафас оламан. Дурадгорман. Бояги меҳнат суронига менинг болғамнинг тақ-туқи ҳам шовқин қўшиб туради...

Нон увоғи

ГРУЗДЕВ бирдан тўхтади. қошлари чимирилди.

— Қара,—деди менга.— Михларнинг ётишини қараяпсиз. Эсиз, михлар-а.—У тупроқ ва пайрахалар орасидан занглаб қолган михларни тера бошлади.

У ҳозир гўё нон увоғини тераётган деҳқонга ўхшар эди.

— Шунча обрўни, шунча раҳматномаларни бекорга олмаган, ҳаммаси, ҳатто битта михни ҳам нон увоғидек авайлаганидан бўлса керак,—дедим ичимда. Унинг куйинганини тўғрида. Биттагина михда ҳам инсон меҳри-меҳнати борку. Ахир у нега занглаб йўқолар экан.

Михаил Андреевич Груздев 30 дурадгорга раҳбарлик қилади. Унинг коллективи бошқармада энг илғор, энг интизомли бригада. Чунки бу 30 кишининг ҳаммаси Михаил Андреевичдан андоза олади...

Интизом-одоб

БИР КУН минг кун бўлмайди, ўғлим. Иш тугамайди. Бугун қоладқол, эртага борасан,—деди ўғли Ҳайдаржонга ёлвориб Салима хола.

— Озиб-ёзиб келганингизда ҳам бир кун турар экансиз-да,—чуғирлашди укалари.

— Боришим керак,—деди Ҳайдаржон,—яқинда газетада босилиб чиққан ўз объектларининг фотосуратига қараб.— Биз мана шу ерда ишлаймиз. Бу Тошкентда энг чиройли бино бўлади. Бир кун ҳам ғанимат, қанча тез битса шунча яхши. Протул қилсам интизомни бузаман. Интизомни бузиш-одобсизлик. Ўзингиз ҳам одобсиз бўлмагин, деяр эдингиз-ку, ая.

— Ҳа, майли болам, боракол,—деди она маъюсланиб,—элга эл бўлиб, ишига бош қўшганингдан суюниб кетдим, боракол. Аммо астойдил меҳнат қил, болам ҳеч кимдан орқада бўлма.

— Ҳўп, ая...

Ҳайдарихон эрталаб поезддан тушди.

Нима қилиш керак, ётоққа борай деса ишга кечикади. Бир оз ўйланиб қолди, онасининг «элга эл бўлиб, эл ишига бош қўшганингдан суюниб кетдим» деган гаплари эсига тушди. Нимагадир кулиб қўйди ва тўғри ишга жўнади.

Ҳайдаржон Йўлдошев Фарғона область, Поп районидаги Муқимий номли 2-мактабда тарбия олган комсомол. Мактабни тугатди-ю комсомол йўлланмаси билан шаҳримизга ёрдамга келди. Ҳозир у 3-разрядли дурадгор.

У меҳнат интизомини—одоблилик мезони деб билади. Ҳалол ишлаб, ҳалол яшашга интилишни унинг ҳар бир ҳаракатида кўрасиз.

Қалтис савол

БОЛТА керак бўлиб, қолгани учун ечиниш хонасига қайтдим (бу хонада асбобларимиз ҳам турарди). Шу куни ечиниш хонасига Жўрабой Мадалиев навбатчи эди. Келганимда у дераза ва эшикни ланг очиб супуришни энди бошлаган экан. Жўда ҳазилкаш бўлганимиз учун «вах» дея боплаб чўчитмоқчи бўлдим-у, аста эшик орқасига ўтдим. Билмади. У бир шўх қўшиқни хиргойи қилганича ҳануз супурар эди. Бирдан битта уч тийинлик танга «жиринг» этиб чиқиндилар билан бирга юмалаб кетди.

Жўрабой супуришдан тўхтади, тангани олди ва тиззасига уч-тўрт марта ишқалаб артдида дераза яқинида осиғлик турган менинг костюмимнинг чўнтагига солиб қўйди... Ажаб, нега бундай қилди?! Менинг чўнтагимга солдия?... Нега ўзининг чўнтагига солмади?.

Бирдан сесканиб кетдим: агар Жўрабойнинг ўрнида мен бўлсам нима қилар эдим?!

Бу жуда қалтис савол эди: «Нима қилар эди?».

У эса ҳатто нима қилиш ҳақида ўйламади ҳам. Билиб қўйинг, менинг 2- разрядли дурадгор ўртоғим Жўрабой шундай одам.

Олтин йигит

БУНГА анча бўлиб қолди. Ишга янги келган кунларим эди. Бетондан қўйилиши керак бўлган деворга қолип ясаётгандим. Бир қозоқ йигити пайванд кабелини йиғиштиришга ёрдамлашиб юборишимни илтимос қилди. Ёрдамлашдим. Сўнгра бирга дам олдик, чекишдик.

Оғизга талқон солгандек жим ўтиришдан ёмони йўқ, суҳбат бошлаш мақсадида унга савол бердим.

— Неча ёшдасиз, жўдас?

— Йигирма бешда.

— Ўҳў... уйланганмисиз?

— Йўқ...

— Не.., 25 ёшдаям-а?

— Изланишдаман...— Йигит аввалига кулди, сўнг жиддий гапира бошлади.— Ростн, ишлашга ҳам ҳали қўл теккани йўқ. Ҳарбий хизматни бажарибоқ, бу ёққа ишга келдим.. Шунақа... Севмай-севилмай турмуш қуриш, ўзингиз биласиз, жуда ёмонда.

Гапни ҳазилга бурдим:

— Бу ер институт ёки университет бўлса эканки, бирор кўзга яқинини топсангиз.

Қозоқ йигит ҳазилимни тушунмади, яна жиддий гапирди:

— Йўқ, биродар, мен унақасини изламоқчи эмасман, аввало ўзим шунақасига муносиб бўлмоқчиман. Олтин олтин билан қовушади. Ўзинг олтин бўлмасанг бир чеккада занглаб қолаверасан, олтинга минг ёпишганинг бир пул.

Мунча «китобий» йигит экан деб ўйладим.

Яна озгина суҳбатлашгач, ўз ишларимизга тутиниб кетдик.

Ҳа.., бунга анча бўлиб қолди.

Яқинда эса бригадиримиз Груздев ҳаммамизни йиғиб, бир таклифнома ўқиб берди: **«Қадрли дурадгор дўстлар! Бизнинг никоҳ тўйимизга марҳамат қилинг! Жолишбекова Валентина, Жолишбеков Пернебой».**

Кўзим ярқ этгандек бўлди. Бу келин-куёв ким? Ажаб, ўша пайвандчи қозоқ йигит билан ўзимизнинг Валя-ку.

— Оббо, Пернебойей. Мен адашибман-да. Сен «китобий» эмас экансан, Ҳақиқатан ҳам олтин йигит бўлдинг,—мен бу гапларни Қурувчилар куни ўтказилган тантанали кечада Пернебойнинг кўкрагига «Тошкент бинокори» значогини тақиб қўйишаётганда ўз-ўзимга айтган эдим.

Таклифнома эса мени яна ҳам тўлқинлантириб юборди, ўзимдан ўзим: «Яша Валя! Пернебойни—олтин йигитни топибсан, қўша-қаринглар»—дея такрорлардим ичимда. Икки пайвандчи бир-бирига пайвандланган-дек аъло яшашига ишониб, қувонардим.

Ҳа, менинг ҳамкасбларим шундай одамлар. Ўйласам гўё адибимиз Асқад Мухтор мана бу сатрларини худди шуларга бағишлагандек туюлади менга:

Қилган иши арзир нақ жар солишга.
У бўлса на эслар, на сўз айтади.
Ҳар кун шу йўл билан аста бориб ишга,
Яна шу йўл билан аста қайтади.

Шокирали НУРАЛИЕВ.
2-«Висотстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

МЕҲМОН ОНАЛАР

Эртага Тошкентда Ўзбекистон хотин-қизларининг навбатдаги съезди очилади. Съезд оналаримиз, опаларимизнинг чинакам байрамига айланиб кетади. Меҳрибонларимиз ўз анжуманларига ажойиб меҳнат совғалари билан келишди.

Кеча ва бугун Тошкент аэропортн ва вокзали одатдагидан ҳам гавжум бўлди. Эрталабданоқ чехралари қувонч билан тўлган съезд қатнашчилари кутиб олина бошланди.

Дегелатлар шу бугуннинг ўзидаёқ Тошкент жамолини томоша қилишга ошиқдилар.

«ГУЛИСТОН» ОЧИЛДИ

Куни-кеча Калининг майдонидаги муҳташам бино — «Гулистон» ресторанининг эшиклари биринчи бор очилди. Бу ерга шаҳар хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари, қурувчилар, пазандалар тўпланишди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Х. Асомов ажойиб кошона лойиҳасининг муаллифлари ва унинг қўли гул устакорларини самимий табриклади. Шундан кейин Ўзбекистон ССР Савдо министри Ғ. Юсупов лоларанг лентани қирқади ва меҳмонларни ресторан жамоли билан танишишга таклиф қилади.

БУГУН ресторан пазандалари одатдаги иш кунини барвақт бошладилар. Қатор-қатор дош қозонларда миллий таомлар шақирлаб қайнади. Улкан озода залда официантқалар ҳимо билан хизмат қила бошладилар.

Ипподромдан репортаж

Пахта байрами тантаналарида

Шанба тонги. Азиз тошкентимиз кўчаларида, майдонлари, хиёбонларида файз, гашт, сурур ўзгача. Бутун пойтахт яхлитгина тўйхонани эслатади. Мезбонларнинг қўли кўксида, чеҳраларида табассум. Ҳар қадамда «Ассалом», «Хуш келибсиз»! сўзлари. Вақтн хушлик билан қўлларнни юракка қўйиб азиз меҳмонларни — она Ватанга 4 миллион тонна «оқ олтин» еткизиб бериб, Ўзбекистоннинг шон-шуҳратини кўкларга кўтарган, юзини яна ҳам ёруғ, қалбини тоғ қилган пахтакорларни; диёримизни яна ҳам бойбадавлат дастурхонимизни тўкин-сочин қилган маъмурчилик, мўл-кўлчилик ижодкорлари — момо ер миришкорларини, чорвадорларини, ширин-шарбатликлар булоғини очаётганларни кутиб оляпти улар.



Пахта байрами жуда қизиқарли ўтди. Байрамлардагидек безатилган Тошкент ипподромига республикамизнинг барча областларидан пахта байрами тантаналарида қатнашиш учун кўпгина чавандозлар, илғор пахта усталари меҳмон бўлиб келдилар. Санъаткорлар ҳам пахта байрами тантаналарида ҳалқ ҳизматида бўлдилар.

Сурат да: Алишер Навоий номидаги шаҳар маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари очиқ эстрадада концерт бермоқдалар.



Байрам тантаналарида қатнашган чавандозлар парадн.

Тошкентнинг ҳамма кўчалари тўйхона маркази — Ипподромга олиб борадигандай. Машиналар карвонининг кети кўринмайди. Оғир машиналар, енгил машиналар, карнай-сурнайли, қувноқ суронли, алвон шиорли машиналар... Ҳаммасининг пешонасида бир хил ёзув: «Ипподромга». Уларда тошкентликлар, қадимий Самарқанд ва Бухородан келган меҳмонлар, Фарғона ва Андижон вакиллари, Қашқа ва Сурхон водийларининг ўғил ва қизлари. Ҳамма тантанага — Пахта байрамига ошиқишмоқда.

Бутун пойтахт Тошкент Ипподромига кўчиб чиққандай. Қўшиқ кетидан қўшиқ, куй сўнггидан куй янграб ётибди. Ол байроқлар ҳилпирайди, қизил матолардаги шиорлар пахтакорларни юксак талаба билан қутлайди, янги зафарларга чорлайди, бугунги тантаналар билан муборакбод қилади.

Ярмаркага орасангиз афсонавий шаҳарчага кириб қолгандай бўласиз. Ҳар қадамда турли-туман магазин, ошхона, чойхона. Истаган буюмингиз, хушлаган таомингиз — ҳаммаси муҳайё. Бир жойда қўйлар бутун лигича «сих»ларда кабоб қилинятти, ўнлаб дош қозонларда палов, шўрва биқир-биқир қайнаяпти.

Қисқа муддатда бутун бир шаҳарчани барпо қилиб, халқимизнинг миллий байрамига муносиб жиҳозлаган пойтахтимиз партия ва совет ташкилотлари, савдо бошқармалари, умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари шундан мамнун бўлиб, байрам қатнашчилари «балли» дейишмоқда. Ярмарка ёнида 400 юк машинасидан иборат қатор-қатор карвонлар турибди. Донгдор боғбонлар, полизчилар, сабзавотчилар, уларда шаҳарликларга кўзнинг ширин-шакар, ноз-неъматларини тортиқ қилиб олиб келишган.

Байрам тантаналарини уюштирувчиларга ҳам қойил. Ярмарка ёки ипподромнинг қайси жойида турганингиздан қатъий назар мусобақа ёки томошалардан бир ёки бир неча турини бемалол кўра оласиз.

Соат 11. Пахта байрами тантаналарига бағишлаб ўтказиладиган от спорти мусобақаларининг қатнашчилари ипподром майдонида саф тортиб туришибди. Серқуёш диёримизнинг турли томонларидан келган азиз меҳмонлар минбарларда ўз жойларини эгаллаб, қизиқарли мусобақалар бошланишини кутишяпти. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц Пахта байрами тантаналарининг бошланганлигини эълон қилади. Чавандозлар ўзаро куч синашни бошлаб юборадилар. Улар бир йўла тўрт жойда мусобақага киришадилар. Олий спорт мактабининг чавандозлари эркин программада ўз маҳоратларини намойиш қилиб бўлгандан сўнг, ним ўзарга пойга бошланади. Икки ёшли қорабайир отларининг чавандозлари 1600 метрли масофага Самарқанд область ижроия комитетининг мукофотларини олиш учун пойгага чиқишади. Тулпорларнинг чопқирлиги, чавандозларнинг усталиги томошабинларни мафтун қилади.

Полвонлар от устида куч синашиб, бир-бирини ағдариш бўйича олишув бошлайдилар. Қашқадарё, Сирдарё, Фарғона область ижроия комитетларининг мукофотлари учун от пойгаси, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг мукофотлари учун 3000 метрга оломон пойга ва республика Министрлар Советининг мукофотлари учун улоқ мусобақалари авжга минади. Байрам иштирокчилари тантаналарининг биринчи кунида ана шу томошаларни кўришдан ташқари ДОСААФ спортчиларининг мотоциклда футбол (мотопол) ўйинини, севимли санъаткор Комилжон Отаниёзов ва бошқа санъаткорлар концертларини, қиз кувиш отда чопиб бориш давомида тепадаги рўмолчани илиб олиш ўйинларини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

Якшанба куни байрам тантаналари янада авж олди. От спорти мусобақаларининг навбатдаги турларида зўрларнинг зўри қатнашди. Республикамиз областларидан келган паҳлавонлар энг чопқир тулпорларда куч синашдилар. Голиблар учун қимматбаҳо гиламлар, фотоаппаратлар каби 236 та мукофот қўйилган эди. Асосий совриини ким ва қайси команда олишини бугунги мусобақалар кўрсатарди.

Тошкент областидан Абдуҳамид Абдураҳимов қиз қувди мусобақаларида биринчи ўринни эгаллади. У мусобақа шартларига кўра, пойга давомида чавандоз қизни энг кўп кучиб ўпиб шунга эришди. Таня Шамахина эса ҳеч кимга еткизмагани ва рақибини роса савалагани учун ҳам қизлар орасида биринчиликни эгаллади. Моҳир чавандоз Сергей Левадний «Шатрон» чавкар отида республика қишлоқ хўжалик министрлиги мукофоти учун мусобақаларда ҳаммадан ўзиб кетди.

«Ағдариш»да ва тўсиқлардан сакрашда андижонликлар биринчи ўринни олишди, оломон пойгада дастлабки икки ўринни Самарқанд. Сирдарё областларининг чавандозлари ўз аро бўлишди.

Пешиндан сўнг шахсий биринчилик учун ўтказилган кўпкари мусобақалари айниқса қизиқарли ўтди.

Мусобақалар барча областларнинг чавандозлари. Пахта байрами мусобақаларига зўр тайёргарлик кўрганликларини, куч ва маҳоратда камол топганликларини кўрсатди. Ҳар бир областдан келган чавандозлар шахсий биринчиликда ҳам, командалараро мусобақаларда ҳам арзирли мукофотлар олиб кетишди.

Ипподромдаги байрам тантаналари то қоронғи кечгача ўйинкулги билан давом этди. Мезбонлар азиз меҳмонларни карнай-сурнайлар билан кузатиб қолишди.

С. НОРМАТОВ.



Ипподром қошидаги ярмаркада ташкил этилган саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи кўчма павильонлар халқ хизматида бўлди. Айниқса Киров райпишчеторги коллективи Пахта байрами тантаналари қатнашчиларига муносиб савдо хизмати кўрсатди. Райпишчеторгнинг шу ярмаркада ташкил этилган махсус павильонида меҳнатчиларга жуда кўп миқдорда турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари, совғалар сотилди. Бу павильонда 2 ва 13-магазинларнинг савдо ходимлари ишлади-лар.

Суратда: Киров райпишчеторгига қарашли кўчма павильонда савдо пайти.



Г. Ткачев ва С. Кагаровларнинг «Тинчлик, дўстлик» плакати.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

⊙ Эртага шаҳримизда очиладиган республика хотин-қизларининг 4-съездига қаҳрамон шаҳарлардан донгдор аёллар келишди. Съездда ҳаммаси бўлиб 1200 хотин-қиз иштирок этади. Шулардан 198 аёл ташкентликдир.

⊙ Илмий ходимларнинг ҳаммаси 12 минг киши бўлса, шулардан 6 мингги хотин-қизлардир.

⊙ Қурилишда 66 минг бинокор меҳнат қилмоқда. Шундан 15 минг ги аёлларднр.

⊙ Тошкентни қайта тиклаш учун 60 минг бинокор келган шулардан 25 мингги хотин-қизлар.

⊙ 33 минг медицина ходимидан 27 мингги хотин-қизлардан иборат.

⊙ Маорнф соҳасида 25 минг киши ишлайди, улардан 19 мингги қиз-жувонлардир.

ОЛДИНГИ САФДА

Ўзбекистон аёллари коммунизм қураётган барча совет хотин-қизлари сингари халқ хўжалиги ҳамда маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида ниҳоят активлик билан меҳнат қилмоқдалар. Бугунги ўзбек қизини Оҳангарон ва Олмалиқ конларида, ер ости бойликларини изловчилар сафида, ҳеч қачон инсон қадам босмаган қақроқ чўлларда, корхоналарда дастгоҳлар ёнида, ижодий меҳнат қўчоғида кўрасиз. Улар «оқ олтин» усталари сифатида оламга машҳур. Аёлларимиз бугунги кун вазифалари даражасида ишлаяптилар ва даврмизга муносиб яшаяптилар. Уларнинг ҳар бирида гўзалликни, ақлий баркамолликни, талант ва фидокорлик намуналарини—совет характерининг чин тимсолини кўрасиз.

Делегатларнинг кўпчилиги нинг кўксини она-Ватанимизнинг юксак мукофотлари безаб турибди. Меҳринисо Тўйчиева—Социалистик Меҳнат қаҳрамонининг Олтин Юлдузини бундан 17 йил муқаддам олган эди. Ўшанда у 1. «Далварзин» совхозида бригадага бошчилик қиларди. Меҳринисонинг ота-онаси ана шу хўжалик ташкил этилган кундан бошлаб меҳнат қилишган. Қаҳрамон ҳам ўз меҳнат фаолиятини ана шу она тупроқда оғир 1941 йилда бошлаган эди.

Чиндан машаққатли йиллар эди улар. Чоллар ва кампирлар, қизалоқлар ва болакайлар ишлашарди далада. Эндигина 15 га тўлган Меҳринисо ҳам шулар орасида эди...

Юқори ҳосил етиштириш учун билим, тажриба зарур. Ғайратли қиз уруш туфайли қолиб кетган ўқишини давом эттириб, қишлоқ хўжалик техникумини, сўнг қишлоқ хўжалик институтини битирди.

У дастлаб агроном бўлиб, сўнгра Ўзбекистон қишлоқ хўжалик министрлиги пахтачилик бўлимида илмий ходим бўлиб ишлади.

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларига жавобан 1962 йилда ўзи туғилиб ўсган совхозга қайтиб келиб агрохимия лабораториясига бошчилик қилди.

Бугун Меҳринисо Тўйчиева Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экспериментал биология институтида илмий ходим, У олима, катта оиланинг меҳрибон онаси. Илмий ишга ҳам, жамоат ишига ҳам болалари тарбиясига ҳам вақт топади. Чарчаш пимадигини сира билмайди. Чунки ўз меҳнати Ватан учун, халқ учун қадрли эканлигини яхши билади. Эл ҳурмати унга куч ва ғайрат, илҳом бермоқда. У Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг аъзоси, икки марта меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати қилиб сайланганида ҳамма ишонч. ни оқлади. Бугун институт партия бюроси аъзоси сифатида ҳам актив иш олиб бормоқда.

Н. ФРАНДЕТТИ.

Дугоналарига ғамхўр

Шаҳримиздаги 6-шифохонанинг бош врачи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, Ўзбекистон хотин-қизлари IV съезди делегати Муяссар Эшонхўжаева билан суҳбат.

— 24 йилдан буён медицина соҳасида ишлайман. Мазкур касалхонанинг ташкил этилганига 16 йил бўлган бўлса, ташкил этилганидан буён шу ерда ишлайман. Шифохонанинг 96 процентн хотин-қизлардан иборат. Энг яхши ишларимиздан бири шуки, шифохонамиз қошида икки йиллик медицина ҳамшираларн курси ташкил этганмиз. Кундуз куни ўзимизда ишлашади. Шу курсни битирган Ақида Рустамова, Турсуматовага ўхшаш қўпгина қизлар ҳозирги пайтда медицина институтининг даволаш факультетида ўқишяпти. Аёлларимиз ўз устларида яхши ишлашади. Масалан Лидия Петровна Мерошникова ўтган йили, хабарларингиз бор, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Ленин орденли, Ўзбекистондаги биринчи ҳамшира Тамара Петровна Лобадовская ҳам бизда ишлайдилар.

Масалан 1-терапия бўлимининг бошлиғи Т. Иброҳимованинг олиб бораётган ишлари анча диққатга сазовордир. У кобальт—изотопларнинг медицинага таъсири устида илмий иш олиб бормоқда. Кобальт билан даволаш бизда янги метод ҳисобланади.

Режаларимизга келсак, касалхонани яна ҳам кенгайтирамиз. Ҳозирги пайтда 280 ўринли бўлса энди 350 койкага етказамиз. Бундан ташқари янги травмотология бўлимини очамиз. Беморлар яна ҳам яхши даволанишлари учун янги-янги қулайликлар яратамиз.

АЁЛЛАРГА ТУҲФА

Бугун кўн галантерия фабрикаси ходимлари Ўзбекистон хотин-қизларининг IV съездига бағишлаб тайёрланган маҳсулотнинг сўнгги партиясини савдо ташкилотларига топширишди.

Бу маҳсулотлар орасида икки мингта аёллар сумкаси, беш юзта ҳамён, икки юзта портмоне ҳамда мингта папка, юзта спорт чамадони саккиз юзта қўлқоп бор.

Аёллар қизиқадиган сифатли ва бежирим бу совғаларни съезд кунлари модалар уйида харид қилиб олиш мумкин.

Бизнинг интервью

КАМОЛОТ

Мухбиримиз Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг профессори, филология фанлари кандидати, республика хотин-қизларининг IV съезди делегати Мазлума Аскарова билан суҳбатлашди.

— Шу кунларда қандай кашфиёт устида ишлаётганингизни айтиб берсангиз!

— Ҳозирги ўзбек адабий тили бўйича олий ўқув юртлари учун дарсликнинг иккинчи китобини тугатдик. Нашрга топшириш арафасида турибмиз. Шундай китобни техникумлар учун ҳам ёздик.

— Илмий ишларингиз ҳам бордир албатта.

— «Ўзбек халқи оғзаки ижодиётига доир асарларнинг синтактик хусусияти» темаси устида ишлаяпман. Бунда асосан эртаклар, қўшиқлар, топишмоқ ва мақоллар ҳақида гапирилади. Академияда академик грамматиканинг биринчи ва иккинчи томлари устида ишлаяпмиз. Бу ишни уч йилдан бери олиб боряпмиз. Умуман ҳозирги замон ўзбек тили сектори шунинг устида ишлаяпти. Автори ўн кишидан иборат. Шулар орасида мен ҳам борман.

— Ўттиздан ортиқ илмий иш, брошюра ва монографияларингиз босилганидан хабардормиз. Демак яна кўпаядиган бўлибди. Энди бизга институтингиздаги хотин-қизлар орасида олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Институтимиз з д а қизлар совети бор. Қизлар ўзларини қандай тутишлари кераклигидан бошлаб қандай кийинишлари, уй юмушларини қандай қилишлари, ўз устларида қандай ишлашларигача суҳбатлар уюштирилади. Шундай суҳбатларга йирик олимларимиз. т а ж рибали устозларимиз ҳам чақирилади. Учрашувлар қизларда зўр таассурот қолдиряпти.:: Режамиз шуки, ўзбек қизлари орасидан янада кўпроқ олимлар—фан кандидатлари, фан докторлари етиштирсак деймиз.

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Арманистондаги базарчайлик деҳқон, тоштарош Аршавир Карапетян ўзи ишлаган нодир асарга «Аҳил оила» деб ном қўйди. У узунлиги 2 метрдан зиёд занжирни яхлит базальт тошдан тарашлаб ишлади. Занжирнинг 16 та ҳалқаси бор. Ўртадаги ҳалқа қолганларидан йирикроқ бўлиб, анъанавий торози паллаларига ўхшатиб ишланган. Унга «1917—1967» рақамлари ва «СССР» деган сўз ўйиб ёзилган. Қолган 15 халқага Иттифоқдош республикаларнинг давлат гербларн ўйиб ишланиб, миллий тилдаги ёзувлар бор.

Уста совет халқларининг қардошлик рамзи бўлган ана шу ишини республика халқ ижодиёти уйига тақдим қилди.

Истеъдодли тоштарош 35 ёшга кирган. Уста халқ озодлиги учун жонини фидо қилган революционерлар, қаҳрамонлар хотирасига даралар ва тоғ йўлларида кўтарилган 50 га яқин чашма-ёдгорликларни ўз қўли билан тарашлаган.

Ҳозир Карапетян катта қурилиш кетаётган Базарчай учун тош тарашламоқда. Эски посёлка Даш ёш денгиз—Спандарян сув омборининг тўлқинлари остида қолиб кетади. Янги Базарчай эса юқориликдаги далада қад кўтаради. Тоштарош Аршавир Карапетян ана шу посёлка учун абадий қурилиш материали — базальт тошларини йўнмоқда.

У. КАРАГЕЗЯН.
Ереван.

Чет эл янгиликлари

PANORAMA DDR

«СУВ ОСТИ СОҚОЛЛАРИ»

Барча денгиз кемалари корпусининг остки қисми, айниқса тропик зоналарда жуда тез сув ўтлари билан қопланиб кетади. Денгизчилар бу ўтларни «соқол» деб атайдилар. «Соқол» кемалар ҳаракатига жуда каттиқ ҳалақит беради. Масалан, одатда кемалар Ростокдан Ҳиндистонгача бўлган 9 минг денгиз милига тенг келадиган масофани 25 кунда босиб ўтса, корпус тагини «Соқол» босганидан кейин бу масофани 26,8 кунда сузиб ўтади. Жаҳоннинг барча кемасозлари кема остида ўт ўсмаслиги учун кўпинча уни захарли бўёқлар билан бўяб қўядилар. Лекин, барибир, натижа яхши бўлаётганн йўқ. Кемалар деярли ҳар икки йилда бир мартадан қирғоққа чиқарилиб, ўтдан тозаланади. Бу, кўплаб маблаг ва вақт талаб қиладиган ишдир.

1966 йил охирида Франциядаги енгил вазнли говвослар кемалар остидаги ўтни осонлик билан йўқотаётганлари маълум бўлди. Улар гидравлнн усулда ишловчи айланма чўткалар ёрдамида ўтни қиртишлаб ташлар эканлар. Масалан, пассажир кемаларидан бирини ўтдан тозалаш учун бор-йўғи 10 соат вақт нетган. Ростоқдаги Дойче Зеебаггерай ташкилоти ўз инженерларига махсус говвослик бариаси қуриш вазифасини топширди ва Франциядан сув ости ўтларини тозаловчи жиҳозларни сотиб олди. Ростон балиқ комбинатига қарашли «Лун Фюрберг» балиқ овловчи траулери биринчи бўлиб, 10 соат мобайнида 20 сантиметр қалинликдаги ўтдан тозаланди.

Говвослар «Форвертс» («Олға») говвослик немасидан сувга тушадилар-да, ҳар куни уч километр. дан узоқроқ масофагача сузиб кетадилар. Уларнинг қўлида мойнинг босими остида ҳаракатга келадиган махсус чўтка бўлади. Бу чўтка машинасининг оғирлиги сув устида 35 килограмм келади ва у 3,5 от кучи билан айланади. Кемани қоплаган ўтнинг қалинлигига қараб, уч хил думалоқ чўткадан фойдаланилади. Ўт камроқ бўлса нейлон чўтка, қалинроқ бўлса юмшоқ пўлат чўтка, жуда ҳам қалин бўлса, қаттиқ пўлат чўтка ишлатилади. Говвослар сув остидан ҳар яриm соатда чиқиб, алмашиб турадилар. Сув ости «соқоли» қиртишланаётган пайтда кемани уёқ-буёққа жилдириш шарт эмас. Юк ортилаётган ёки туширилаётган пайтда ҳам немани тозалаб қўйса бўлади. 10 минг тонна юк кўтарувчи битта немани икки енгил вазнли говвос 14-16 соат ичида тозалаб қўя олади. Ҳар қалай иш етарли. Дойче Зеебаггерай ташкилоти ҳозирги пайтда Болтиқ денгизи соҳилларида ўз немаларини шу усулда тозалайдиган ягона корхонадир. Ҳозир ГДР денгиз немасозлиги унга кўплаб буюртмалар берди.

Матиас СЕВЕН.
(Панорама ГДР)



СУРАТДА: ДОЙЧЕ ЗЕЕБАГГЕРАЙ ТАШКИЛОТИНИНГ ГОВВОСИ КЕМАНИ СУВ ОСТИДА ТОЗАЛАЯПТИ.

•СТУДЕНТЛАР ҲАЁТИДАН

Ёш талантлар

... Босмачиларнинг «Сирли ўчоқ» номли миллий иттифоқи жойлашган Олтой тоғларидаги каттакон гор. Кўз ва қўллари боғлиқ икки кишини қийнаяптилар. Асирларнинг бири қизил аскарлар командири Темур Саримсоқов. иккинчиси унинг ўғли—Қўрқмас.. Юзларини қора ниқоб билан бекитиб олган «Сирли ўчоқ» тўдасининг бошлиги Саркотиб афанди ва яна уч-тўрт аъзолари бу икки оловқалб инқилобчиларнинг темир иродасини бука олмайдилар.. Темурнинг ўлими олдидан айтган юрак сўзлари юракларга солади. тог-тошларга урилиб, акс садо қайтаради..

Енимда ўтирган йигитнинг ҳалеб қимирлайверишидан жаҳлим чиқиб унга ўгирилдим. Бироқ у рўмолчаси билан ёшли кўзларини артаётган эди. «Қойил дўстим Бевид, қойил, Яша!» пичирларди у..

Спектакль тугади. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг зали қарсаклар ва ҳаяжонли шов-шувга тўлиб кетди. Томошабинларнинг ёш актёрларни оёққа туриб табриклаётгани улар яратган образларнинг муваффақиятли чиққанидан далолат бериб турарди.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг драма тўгараги аъзолари драматурглар Зиё Саид ҳамда Назир Сафаровларнинг «Тарих тилга кирди» пьесасини саҳнага қўйиш учун бир йил тайёрландилар. Ҳуқуқшунослик факультетининг ўқитувчиси А. Иноятов раҳбарлик қилаётган бу драма тўгараги аъзоларининг меҳнати зое кетмади. Фақат студентлардан иборат бўлган тўгарак коллективи томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди Айниқса, драмадаги бош роль—Темур образини жуда усталик билан очиб бера олган журналистика факультетининг студенти Бевид Жумаев таланти юксак баҳоланди. Ўқишда ҳамкасбларига ўрнак хушовоз хонанда, университетнинг ташкилотчи коммунистларидан ҳисобланган бу йигит ўзининг катта истеъдод эгаси эканлигини яна бир марта намойиш қилди.

Бундан ташқари, асосий ролларда—Меҳри, Қўрқмас, Зуҳро, Ғаффорбой образларида маҳорат билан ўйнаган студентлардан М. Ғаниева, Б. Қурбонов, Ш. Ҳайитбоева, М. Раҳмоновлар яратган образлар ҳам томошабинларни хурсанд қилди.

Етук чиққан образлардан бири—Бадрий ролини Ўзбекистон ССР халқ артисти марҳум Разоқ Абдуллаевнинг ўғли филология факультетининг студенти Қодиржон Абдуллаев муваффақиятли ўйнаган.

Баъзи бир камчиликларига қарамай, бу пьеса томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Отаёр НАҲАНОВ,
студент.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 2 БЕТ
18 ДЕКАБРЬ, 1967 Й.



КЎЧАЛАР...
КЎЧАЛАР...

ЖУМБОҚ

— Ҳой биродар, ўзингизни сал ушланг, тирсагингиз биқинимни тешворай деяпти.

— Ҳеч иложи бўлмаяпти, тиқилинчни кўриб турибсизку, аҳир.

— Туппа-тузук кўчани бузишди, қўйишди.

— Тузатса-тузатмайдими, баҳордан буён шу аҳвол..

Бундай гапларни 44,81 а.—85 маршрутлар бўйича қатнайдиган автобусларга чиқсангиз хоҳлаганча эшитишингиз мумкин. Ҳойнаҳой, бунақа йўл қаерда экан деб сўрарсиз. Гапни бир чеккасидан эшитақолинг:

Студентлар шаҳарчасининг шундоққина ёнгинасидан «Ташминвода» шифохонаси томон Чигатой кўчасининг давоми бошланади. Қорақамиш анҳорига етмасдан бу кўчани Тошкент халқа йўли кесиб ўтган. Гапимиз ҳам кўчанинг ана шу бўлаги ҳақида боряпти.

Шу йилнинг баҳор ойларида Тошкент халқа йўлидан бошлаб то студентлар шаҳарчасигача кўчанинг қоқ ўртасидан зовур қазилиб, қучоқка сиғмас қувурлар ётқизилди. Ҳатто бу зовур ҳавфли, йўлнинг бузилмаган томонига транспорт сиғишмайди деб, халқа йўлдан шаҳарга кириш жойига каттакон қилиб, «Йўл бир ёқлама» деган белги ҳам қўйилди.

Қизиғи шундаки, бу бир ёқлама йўлнинг иккинчи томонига жойлашган айрим ташкилотларнинг автомашиналари ҳанузгача сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

2-«Таштрансцехстрой» ташкилотининг бегам раҳбарлари дўппини олиб қўйиб, тайёр ётқизилган қувурларни тезроқ кўмиш, йўлни тартибга солиш ҳақида ўйлаб кўришса айни муддао бўларди.

Номи бор-у...

Жумбоқ кўчалар ҳақида Октябрь район коммунал хўжалик бўлими раҳбарлари ҳам бош қотиришса ёмон бўлмасди. Яхшиси ана шундай кўчаларга борнш истагида бўлганларнинг шоферлар билан муомаласидан бир шингил эшитинг:

— Қаерга борасиз?

— Қорасарой кўчасига, Қумлоққа. Олиб борақолинг.

— Э, у ёққа бормайман.

— Нега энди, таксиларнинг у кўчаларга юриши таъқиқланганми, ўзи?

— Қўйинг энди ака, ўзи икки қадам жой. Пиёда кетаберинг. Ҳув анавуерда 42—43-автобуслар тўхтайди, ўшанга тушиб кетаверинг...

Бундай ақл ўргатишларни хоҳлаганча эшитиш мумкин. Бироқ ана шунақанги насиҳатларсиз уйга етиб олишнинг иложи йўқмикин?

Боркуя, лекин...

Лекин, Қумлоқ гузарига боришингиз билан чап томонга—Хастимомга қараб кўча кетади. Оти кўча-ку, аммо тог-тог тупроқни кўриб, шу ҳам кўчами дейсиз. Бунинг устига кўчанинг қоқ ўртасидан терак бўйи чуқур қилиб кавланган зовурнинг юз метрча жойи ҳали бери кўмилмаса керак. Акс ҳолда қурилиш бошқармаси кўча битай, деб қолганда беш қадам жойни ташлаб кетмаган бўларди.

Бу кўчадан-ку, транспорт қатнови аллақачон тўхтаган. Илгарилари Қумлоққа келган транспорт Бобожонов кўчаси билан чиқиб кетарди. Бахтга қарши Бобожонов кўчасининг ҳам Калновуз анҳори кўприги бузилиб қолганига анча вақт бўлди. Бироқ уни тузатадиган азамат топилмаяпти. Шаҳримиздаги бу ўнқир-чўнқир кўчаларни тузатиш жумбоқлигича қолмоқда.

Т. РАҲИМОВ.

ҚАЧОНГАЧА?

Автобус хизматидан ранжимоқдамиз

Комсомол майдони билан Адабиёт институти ўртасида қатновчи 35-автобус ҳамма вақт тиқилинч. Қачон автобуслар кўпайиб, йўловчилар бемалол манзилга етиб оладиган бўларкин!

Б. ҲАМЗАЕВ,
студент.

* * *

Ҳамза номли театрда «Аяжонларим»ни роса маза қилиб томоша қилдиг-у, уйга етиб олиш учун 38-автобусни пойлаверибб. бутун хордиқимиз ҳавога учиб кетди. Калинки майдонига келсак, бу ерда ҳам на 38, на 49-автобусдан дарак бор. Бир вақт 36—38 ТНГ номерли 51-автобус келиб қолди.

— 20 тиинидан берасизлар. Студентлар шаҳарчасига кўз очиб-юмгунча этиб қўяман,—деди шофер. Мажбур бўлдик. Шоферларнинг бу «савдо» сидан раҳбар ўртоқлар хабардормикин. Шуни билмоқчи эдик.

Б. МАМАДИЕВ, Ю. АҲМАДЖОНОВ,
студентлар.

* * *

Олий ўқув юртлари шаҳарчаси ва Инқилоб хиёбони ўртасида қатнайдиган 49-автобусни эрталаб ишга кетаётганда, кечкурун қайтаётганда кутганимиз-кутган. Келгач эса, доим тиқилинч бўлади. Нима учун ҳайдовчилар графикка риоя қилишмайди!!

Б. Жалолов, қурувчи инженер,
В. Абдуқодиров, ўқитувчи,
Р. Раҳимов, савдо ходими,
Р. Островский, ўқитувчи,
А. Мирвоҳидов, агроном,
И. Каримов, монтёр.

ОЧИЛ БАХШИ — редакциямиз меҳмони

ҲАМОН СОЗ ВА СЎЗ БИЛАН...

«Ҳар бир бахшининг қўшиқ айтишда (одатда бахшилар достонни қўшиқ ҳам деб юритишади.) ўз йўли бўлади, — дейди биз билан суҳбатда Очил бобо Жуманазар ўғли. — Мен ҳам достонни устозим машҳур Хўжамберди бахшидан қандай ўрганган бўлсам, шундайлигича айтмаганман, ўзимга хос йўл ахтарганман. Қўшиқ айтганингда ҳар бир сўзни ўрнига қўйиб, турли оҳангга солиб айтмасанг, яхшиси, дўмбирангни чертмай қўя қол!»

Мана, эллик йилдирки, Очил бобо Жуманазар ўғли ҳам тингловчига маъқул ва манзур ҳолда достон қўйлаб келмоқда!

Очил бобо бундан салкам саксон йил аввал ҳозирги Қашқадарё областининг Қозоқ қишлоғида ниҳоятда қашшоқ оилада дунёга келади. У отасидан жуда ёш ажралади. Муштипар энағанинг қўлида қолар экан, халқ ибораси билан айтганда, она сути оғзидан кетмаган гўдак ҳолида ишлашга, тирикчилик ўтказишга мажбур бўлади. Амирқулбой, Гулмагбой, Мирмуродбойларнинг қўлида мешкоп, туябоқар, қўйчибон бўлиб ишлайди. Очилда қўшиққа, халқ ҳаётининг маълум маъ"нодаги энциклопедияси — достонга қизиқиш, уни ўрганиш иштиёқи ана шу йилларда, ўз бошидан ниҳоятда оғир ҳамда фожиали ҳаёт кечираётган бир пайтда туғилади. Дарвоқе, ўтмишда қўшиқ меҳнаткаш халқнинг бирдан-бир овунчоғи, доимий ҳамроҳи, азада ҳам, шодлигида ҳам йўлдоши, ширин-ширин орзуларга етакловчи, хаёл оғушига тортиб, юксакликларга парвоз эттирувчи бир восита бўлган-да, ахир.

Шундай қилиб, ёш Очил ҳам куну тун, ёзин-қишин меҳнат заҳматини чекишига қарамай, поэзия билан шуғулланишга вақт топди. Халқ поэзиясининг сеҳргар кучи уни ўз оғушига тортди. Бир нафас бўш қолдими, ёки яйловда қўй боққани чиқдими, дарров таёқми, қамиш поясими, чўпми қўлига олиб, уни гўё дўмбира деб англаб, чертарди у. Эҳе, Очилга шоирлик осонлик билан келмади. Ундаги қўшиққа ошиқликни сезиб қолган жоҳил хўжайинлар озмунча азоб-уқубат бермадилар. Минг машаққатлар билан топган дастлабки дўмбирасини унинг қўлидан зудлик б и л а н тортиб олиб, парча-парча қилиб юборд и л а р. Аммо у бошқасини топди. «Яна дўмбира чертиб, қўйларимдан яхши хабардор бўлмабсан», — деб ўзини ҳам оч-наҳор қолдирди бой. Аммо у чалишдан, эшитган достон парчаларини ёддан такрорлашдан қайтмази. Калтакладилар, дўппослашлар: аммо баданига симдек ботган таёқни қўлига олиб «тилга» киритди, тилга киритдигина эмас, сайратди у.

Аммо, ҳаёт ҳамиша ёмонлар билан тўла эмасди. Яхшилар, раҳмдиллар ҳам йўқ эмасди бу кўҳна дунёда. Элга машҳур ва мақбул бўлган халқ бахшилари шулар жумласидан эди,.. Халқ шоирлари Очилнинг дардига малҳам бўлдилар. Орзуга эришувида ёрдамларини аямадилар. Шулардан бири кейинча Очилнинг ўзига шогирд бўлган Чори бахшининг отаси, замонасининг ажойиб шоири Хўжамберди бахши уни шогирд қилиб олади, энг мураккаб санъат — достончиликни ўргата бошлайди. Бу орада Улуг Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонади. Миллион-миллион очилларга бахт кулиб боқа бошлади. Шоир янгича илҳом, янгича жило билан достон айта бошлайди. Қишлоқда ташкил этилган коллектив хўжаликка қўйчибон бўлиб киради. Колхоз уни боқди, уй-жойли қилди, тўқ ва маъмур ҳаёт берди.


Очил бобо колхозда ҳалол меҳнат қилиш билан бир қаторда достон ва термалар айтишни ҳам канда қилмайди. Шоир фақат ўз туғилиб ўсаган жойи, шунингдек, ёнатроф қишлоқларда достон айтибгина қолмай, бошқа жойларда ҳам достон айта бошлайди. Бир пайт Тожикистоннинг Регар шаҳарига бориб қолади. Ўзининг ёқимли овози ва достон айтишдаги санъаткорлиги билан регарлик ўзбекларнигина эмас, ерлик тожикларни ҳам мафтун этади. Дўстларининг таклифи билан шу қишлоқда олти йил қолиб кетади. Тўй-томошаларга ўз достонлари, термалари билан файз киргизади. Тожик достончилари билан ижодий мусобақалашади: улардан ўрганади ва ўз навбатида, уларга ўргатади.

Кейин Партия чақириғи билан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга отланиб, 1951 йилда Бўка районининг Қорақудуқ қишлоғига келади. Ҳозир пенсияда. Аммо, меҳнат билан суяги қотган Очил бобо ўзи истиқомат қилаётган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли колхоз ишларига қатнашиб туради. Анча қариб, достончиликни талантли шогирди Чори бахшига топширган бўлишига қарамасдан, давраларга тушиб қолганда термалар, репутуаридаги «Гулиқоқи», «Алпомиш», «Гўрўғли»» циклидан «Нурали», «Авазхон» ва бошқа ўнлаб достонлардан ёқтирганингизни завқ-шавқ билан қўйлай бошлайди.

Биз яқинда Бўкада бўлиб, Очил шоир Жуманазар ўғли репертуаридаги бир неча термаларни ҳамда айтиб юрган достонларидан парчалар ёзиб олдик. Бу улкан халқ шоири ижодидан матбуотда ёритилаётган илк намуналардир.

БАХТ ТОПДИМ

Халқ юртини Ленин озод қилгандир,
Қақроқ чўллар бизда обод бўлгандир,
Йўқсулларга зулмат ичдан нур бериб,
Ҳаммасининг кўнглини шод қилгандир.
Неча йиллаб бойларнинг қўйин боқдим,
Уй кўрмадим, доим далада ётдим,
Ленин бобо инқилобидан кейин,
Кўп қатори мен ҳам ҳурликка чиқдим.
Камбағаллар жам бўлиб тузди колхоз,
Пахта экдик—планимиз юз фоиз.
Муштумзўру, текинхўрни супуриб,
Уруғидан битта қолдирмадик из.
Советимда чўпон бўлиб бахт топдим,
Кўкрагимга қўшалаб нишон тақдим.
Ҳар юз бошдан юз эллик қўзи олиб,
Элу ҳалқим ҳукуматимга ёқдим.
Очил шоир партиядан миннатдор,
Ҳар дам қилар Ленин номини такрор —
Пенсияда қарилик гаштин суриб
Қўшиқ айтар жўшиб қўлида сетор.



СУРАТДА: ОЧИЛ ШОИР. Т. Бегалив фотоси.

ОТНИ БОҚСАНГ

Отни боқсанг Асқар тоққа қарайди.
Ёл-қуйруғин отнинг ўзи тарайди.
Отни боқсанг сағрисини тошириб.
Душман қувсанг анов тоғдан ошириб.
Найза урсанг жовринидан шиширib.
Олиб келсанг командирин туширib,
Шунда келар сизга душман бош уриб.
Қолар душман бовирига тош уриб.
Отларда от бордир—жонга баравар,
Уни минган йигит жангга оралар,
Отларда от бордир емга дардисар,
Уни минган йигит бўлар шармисор.

1942.

КОЛХОЗИМ

Эрта кўклам ерга экасан чиғит,
Далангда ишлайди неча қиз-йигит,
Вақтида бердилар гўнг билан ўғит,
Шу сабабдан илғор бўлдинг, колхозим.
Рустамча бўладур ёшлар ғайрати,
Алпомишдай келар кўпин савлати,
Доим тиқдир барин қадди-қоматин,
Шулар билан илғор бўлдинг колхозим.
Ҳамма ерда ривож топди техника,
Йўқдир ўрин энди текинхўрликка,
Ҳа ўтай, деб ёшларинг илғорликка,
Ишлагандан илғор бўлдинг, колхозим.
Звеновод ишни олишган қўлга,
Ҳамма ишни энди қўйдилар йўлга,
Пахта экди сув чиқариб дашт-чўлга,
Шу сабабдан илғор бўлдинг, колхозим.
Тўрт минг тонна пахта бердинг давлатга,
Қойил бўлди барча бундай ҳиммatга,
Юз тоннани бериб мажбуриятга,
Илғорликни бой бермадинг, колхозим.

ЛЕНИН

Қайгу кўрмас энди кўнглим,
Доим чарағондир йўлим,
Бўстонга айланди чўлим,
Ленин падарнинг ишидан.
Элим ваъдасига вафо,
Ҳеч кўрмайди қайғу-жафо,
Қилар доим тўй-тамошо,
Ленин падарнинг ишидан.
Кекса-ёш барча ҳурматда,
Эллар яшар фарогатда,
Шод-ҳуррамдир ниҳоятда,
Ленин падарнинг ишидан.
Барча юрт бўлди осойиш,
Меҳнаткаш тортмайди нойиш,
Мумкин эмас бизда тойиш!,
Ленин падарнинг ишидан.
Уйимизнинг ёруғи ҳам,
Ватанимнинг довруғи ҳам,
Юртимнинг қизил туғи ҳам,
Ленин падарнинг ишидан.
Очил шоир куйлаши ҳам,
Қушларнинг шўх сайраши ҳам,
Кўнгилларнинг яйраши ҳам,
Улуг Ленинниинг ишидан.

Адашиш маъносида.

УСТОЗИМ ҲАҚИДА

Мен Очил шоирни ўн ёшларимдан бери танийман. Отам қўшиқ айтганида ёнида турарди. Ўзи қўй боқарди.

1941 йилда отам Хўжамберди шоир вафот этганидан кейин Очил бобо менга отадек меҳрибон бўлиб қолди. Қўшиқ ўрганишни мақсад қилиб, кўпинча Очил бобонинг олдига борадиган бўлдим. Адашиб яхши айтолмай юрган достонларимни ундан сўрадим. У менинг кўнглимни кўтариш учун: «Акамдан қолган нишонам-да»,— деб қирдами, чўлдами, йўлдами, қаерда бўлмасин қўшиқ айтиб берарди.

Очил бобо 40-50 ёшларида катта достончи бўлиб танилган эди. У достон айтганида ҳамма завқланиб ўтирарди. Мен устозим Очил шоирдан «Гулиқоқи», «Авазхоннинг Арзирумга бориши», «Нуралининг банди бўлиши» достонларини ўрганганман. Ўз навбатида Очил бобо бу достонларни отам Хўжамберди шоирдан ўрганганлигини эслайди.

Дурустгина достончи бўлиб, қолганлигимни пайқаган Очил бобо мени ҳам ўзига эргаштириб тўйларга олиб борадиган бўлди. Дастлаб мен Шовқай деган қишлоқда бўлиб ўтган тўйда иштирок этдим. У ерда Омон шоир, Мели шоир, Омон шоирнинг ўғли Раззоқ шоир ҳам бор эди.

Шунда Очил бобо ўтирганлар билан мени таништирди: «Мен қардим, менинг шогирдим ҳам шоир бўлган»,—деди. Шунда одамлар: «Бу кимнинг ўғли?»—деб сўрашди. «Танимадингларми, Хўжамберди шоирнинг ўғли деб жавоб берди».—Очил бобо.

Очил шоир 1943 йили Қашқадарёнинг Қозоқ қишлоғидан Душанбе шаҳрига кўчиб кетди. Бу менга жуда алам қилди. «Отам ўғлига отам эди, йўлдаб боганимда таълим берарди»,—деб ҳафа бўлиб юрдим.

1951 йили Бўка районига кўчиб келганимдан кейин устозимни ҳам шу ерга кўчириб келтирдим. Шундан бери Очил шоир бизнинг Қорақудуқ қишлоғимизда яшайди. ҳар куни унинг ҳолидан хабар олиб турaман.

Чори шоир ХУЖАМ берди БАХШИ УҒЛИ.

САҲИФАНИ ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ КАНДИДАТИ **МАЛИК МУРОДОВ** БИЛАН «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» НИНГ МАХСУС МУХБИРИ **УСМОН ЮСУПОВ** УЮШТИРГАН.

ҚЎЙ БОҚДИМ

Қўй боқдим мен поёни йўқ сойларда,
Ою куним ёмон кечар жойларда,
Бизнинг чўллар, номи эди Кундали,
Бунда қолсам керак бўлар сандали.
Бу чўлларда қолдим ёлғиз адашиб,
Қўйлар билан сарсон бўлиб маъраишиб
Ўтлатишга чўлда ўти бўлмаса,
Бу ерларда ҳолим ҳеч ким сўрмаса,
Бераҳм бой, қарамайман қўйинга,
Бўри есин: қўйинг даркор бўлмаса.
Ҳаво айниб, орқадан бўрон бўлди.
Ҳар ён қочиб, қўйларим турмай қолди.
Кетдим шунда қўйлар олдига тушиб,
Қўйим, ўзим қолдим чўлда чарчашиб.
Колди қўйлар жиққа лойларга ботиб,
Ётолмадим қишда-аёзда қотиб.
Чакмон-телпак устимда бут қолмади,
Юрарга мадорим сира бўлмади,
Шунда ҳам бой келиб хабар олмади,
Кутулмадим, золим бойим ўлмади!
Қайтиб бороломайман энди жойимга,
Юзим қора бўлди менинг бойимга.
Ким эшитар менинг қилган додимни,
Бу бошима тушган кўп кулфатимни.
Бу чўлларда элу халқдан бўлмаса,
Биров менга бир парча нон бермаса.
Учқур бўлиб қанотимдан қайрилдим,
Чўпон бўлиб, уй, боламдан айрилдим.

1915.

ДЎМБИРА МАҚТОВИ

Сўйла дўмбирамнинг торн,
Бизнинг уйлар товдан нари.
Сени олсам қўлларимга,
Тилга келар сўзнинг бари.
Арчалардан арчиб олган, дўмбирам,
Писталардан кесиб олган дўмбирам,
Дарёларга кечиб олган дўмбирам,
Олти қўйга сотиб олган дўмбирам.
Дўмбирам ўзинг бардор-бардор,
Думинг кумуш, бошинг зардор.
Чертган бўлар сенга хардор,
Шоирларга сенсан даркор.
Дўмбирам, ўзинг қуруқ ёғоч,
Бўйнингда торинг бир қулоч,
Чалганда, созим, гумбирлаб,
Улфатларнинг кўнглини оч.
Кел, дўмбирам, энгашайлик,
Бир-бир билан кенгашайлик,
Баланд тоғлардан ошайлик,
Узоқ йўлларга тушайлик.
Дўмбирам, ўзинг тешик-тешик,
Ишқингда айтаман қўшиқ,
Чертсам сени достон келар
Тинмайин айтаман жўшиб.



Достондан парча

Сулув подшонинг қизи Ойхувон туш кўрди. Тушида ажойиб хуш кўрди. Сапчиб ўрнидан турди. «Бу тушимми, ҳушимми», — деди. Қаради, ҳеч нарсани кўрмади. «Бу тушим қандай туш бўлди», — деб ўйловга кетди. Таъбирибали қиз эди. Тушининг таъбирини ўйлаб, фикрга кетди.

Тонг отди. Беш юз канизи бор эди, эрталаб Ойхувоннинг олдига келди. Шунда канизларига қараб: «Сўзимга қулоқ солинглар. Мен га бўлди шу кеча бир аломат, катта-кичик сизларга қилай маслаҳат». — деб бир сўз айтди.

Қизлар, кеча аё-аё туш кўрдим.
Бу тушимда бир ажойиб иш кўрдим.
Тушимда қора йўлбарс қуш кўрдим.
Кўкрагимдан кесиб бу қуш чанг солди,
Баданларим бари шунда бўшалди.
Кеча хазинахонага борибман.
Бир лаган тиллони ўзим олибман.
Бир қарчиғай келди менинг қошима
Чанг солди қарчиғай келиб бошима.
Тиллам тўкилди-ю, қаддим букилди,
Кўзимдан селоба ёшлар тўкилди.
Бу тушимни яхшиликка йўринглар,
Ҳой, канизлар маслаҳатни беринглар!

Ҳар кўчага жарчи жўнатишди. Етти яшардан етмиш яшаргача Ойхувон олдига кела бошлади. Ҳеч ким тушини йўролмади. Шаҳарда бир карвон бор эди. Шуни олиб келдилар.

Карвон чол ўйлаб фикрга кетди, айча сукут этди. Шунда бобо: «Бир қошиқ қонимдан ўтсанг тушингни йўраман», — деди. Қиз рози бўлди. Карвон бобо туш таъбирини бераяпти:

Така Ёвмут деган унинг эди бор,
Ўрдак, ғозли ажаб улкан кўли бор.
Номус билан унинг, болам, ори бор.
Кўҳиқопдан келган пари ёри бор.
Табласида унинг учар Ғири бор.
Баҳорда очилган турли гули бор.

Аваз, Ҳасанхон — тутинган ули бор.
Қафасида доим сайрар булбули,
Боғида очилган тоза сунбули,
Авазхоннинг бордир ўғли Нурали,
Муллада ўқийди, ўзи ёш ҳали.
Шундай Нурали тушингга кирибди,
Қарчиғай қуш шу Нурали бўлибди.

Бу сўзни қиз эшитиб, йиғлаб отасининг олдига борди:

Ота, Така Ёвмут деган юрт бор эмиш,
Ўша юртга Гўрўғли султон эмиш.
Гўрўғлининг Аваз ўғли бор эмиш,
Гўрўғлидек хон Аваз шунқор эмиш.
Хон Авазнинг ўғли экан Нурали,
Кўнглим қуши талпинади кўргали.
Ота, сиз ўшанга дарҳол борасиз.
Шуни тезда бунга олиб келасиз.

Шунда отаси Сулув шоҳ кўтарди қадди-қоматни: «Болам, табладан чиқар отни, бораман», — деди.

Сулув шоҳ аллёр деб Чамбилга қараб жўнади. Йўл тортди, йўл тортса ҳам мўл тортди. Сувсиз жойдан ўрдак отди, сувли жойдан ғозлар отди, чўлларда отни ўйнатди. Саҳарда Чамбил дарвозасига етди. Дарвозабонга қараб бир сўз айтиб турди:

Дарвозани очгин, бобо қўрбоши,
Юзта эмас, ўнта эмас бир киши.
Мен шу шаҳар сўраб-истаб келаман,
Аслим сўрсанг бир қаландар бўламан.
Қаландарман шоҳ олдига бораман,
Руҳсат бергин, дарвозабон, сўрайман.

Шунда дарвозабон нима деяпти:

Қаландарлар саҳар чоғи келмайди,
Қаландарлик кечаликка бўлмайди.
Қаландарга ўхшамайди келбатинг,
Сени бузуқ кўрдим, айтсам, тарзингни,
Ранггингга қарасам кўринар қонсиз,
Ёлғон, қаландарман дема, имонсиз!
Сарғайтираман, қаландар, юзингни,
Менга гапирмагин бундай сўзингни.
Аччиқлансам қуритарман изингни,
Қаландар, сен бу ерларда турмагин,
Бузуқ кўрдим бу маҳалда тарзингни.

Қаландар айтди: «Ҳаҳрлансам сарғайтаман юзингни, ўяман икки кўзингни. мен қаландар шу шаҳарга келаман, шоҳнинг олдига бораман. агар дарвозани очмасанг, найза билан дарвозангни ўяман!»— деди.

«Тўхта, сен қаландар эмассан, шоҳга келган баломисан, инсмисан, жинсмисан — нимасан? Мен шоҳ олдига борайин, маслаҳат қилайин», — деб дарвозабон хон Гўрўғли олдига кетди, Гўрўғли «нимага келдинг?» — деб бир гап сўради:

Дарвозабон, нега ҳафа бўласан,
Бемаҳалда нима учун келасан?!
Дарвозабон, гап сўрайман не бўлди?
Тоғларнинг бошини туман чалдими,
Душман келиб менга салқин солдими?
Лашкар келиб ё гирдимни олдими?

Шунда дарвозабон хонга қараб айтди: «Бемаҳалда келди бир қаландар, остида бор бир чўлтоқ оти. Танамдан ўтгандир айтган ҳар сўзи. Бу жойларнинг одамига ўхшамайди ўзи, бузуқ кўринади тарзи. Шоҳим, сиздан шуни сўраган келдим. дарвозани очайми-очмайми?»

Шунда Гўрўғли айтди: «Эй дарвозабон орқадан келибди бу зўравор, ҳеч ким бўлмайди унга баробар. Келсин уни кўрайин, саволига ўзим жавоб берайин, очмасанг номардларнинг иши бўлади, очгин дарвозани, болам».

Бориб дарвозани очди, меҳмон кириб, Гўрўғли Султон олдига келди. Унга Гўрўғли зиёфат бериб, бир гап сўраяпти:

Ҳожатга панд берар отнинг мойиби,
Қозонинг олдида бўлар нонби,
Сўрамоқнинг асло бўлмас айиби
Сиз бўласиз қандай юртнинг сойиби?
Остингизда ўйнар чўлтоқ отингиз,
Кимларга ўхшайди бу калватингиз?
Баён қилинг қандай жойдан келдингиз?
Балломат султонни қайдан бўласиз?
Бу жойларга нима сўраб келасиз?

Ана энди қаландар баён бераяпти:

Аслим сўрсанг Шоҳвоздан келаман,
Отим Сулув мен қаландар бўламан,
Сендай шоҳни бугун сўраб келаман.
Отингни эшитиб ҳайрон бўламан,
Отингга отимни ўзим соламан.
Сенинг билан энди пойга қиламан.

Шунда Авазхон келиб қолди. Авазхон қаландарга қараб бир сўз деяпти. «Эй ахмоқ, шу чўлтоқ отинг билан пойга қиласанми? Отингни сот, баҳосини айт, оламан», — деди.

Қаландар отининг баҳосини айтяпти:

Ҳовдакдайин кўлингни бер,
Чамбилдайин элингни бер,
Тўлмас отимнинг баҳоси,
Қатордаги норингни бер,
Хазинада зорингни бер,
Икки пари ёрингни бер,
Шунда ҳам тўлмас баҳоси,
Табладаги Ғирингни бер,
Пешонангда борингни бер,
Нуралингдай улингни бер,
Шунда тўлар от баҳоси.

Авазхон ғазабланиб нима деяпти:

Саргайтираман юзингни,
Ўяман икки кўзингни!
Қаҳрлансам ўлдираман
Сендайин аҳмоқ ўзингни!

Шунда Гўрўғли: «Буни қаландар дема. қаҳрланса, Чамбилни қилади яксон, қилади халқларни сарсон, алдаб-сулдаб ўз юртига жўнатгин, болам», — деди.

Авазхон: «Сиз ота, ўпкаси катта туркман-да, бунинг ниманидан қўрқасиз. нима бўлса, пешонаи кўрамиз» — деди.

Отаси: «Пойгага қўйма, оти ўзади», — деди.

Аваз кўнмади. Қаландарга: «Пойгага қўясанми?» — деди. Қаландар: «Қўяман, лекин шартим бор. Шартимни қилсанг кўяман».— деди. «Шартингни айт» — деди Авазхон. «Шартим — сен ўғлингни, мен отимни қўяман», — деди қаландар.

«Аваз бу ишни бекор қилди», — деб, Гўрўғли кўкрагини ерга бериб ётди.

Энди Аваз билан қаландар пойгага кетди Олти ой йўл юрди. Аваз — «Бўлдим»? — деди. «Ҳайдайвер, бу ердан отнинг дами синами?» — деди қаландар. Яна бир ойлик йўл юрди. Кейин иккови жўнади. Аввал Аваз жўнади. Сал юриб тўхтади. Қаландар етай деб хайдади.

Чуҳа дейман, Октовон,
Қариндошим, Октовон,
Хам йўлдошим, Октовон,
Омон бўлсин Шоховозда,
Жоним қизим Ойхувон!

Шунда қаландар Авазнинг отига етиб олаб, ўзиб кетди. Октовон билан Ғирот олти ойлик йўлга бирга бориб, кейин Ғирот орқада қола бошлади. Октовон борган сари тезлаб кетаверди.

Чамбил эли қараб пойгани томоша килди. Қаландар етиб келиб, Гўрўғлининг олдига келди. Пойга шартини талаб қилди.

Гўрўғли: «Мен сен билан шарт қўйган эмасман, ким шарт қўйган бўлса, ўшанга бор». — деди.

Қаландар Авазхоннинг олдига борди.

Авазхон: «Муллабача ёнига бор, рози бўлса, олиб кетавер», — деди. Қаландар Нуралига борди. «Келгин, болам, отанг сени пойгага қўйди, мен билан юргин, олиб кетаман Шоховоз деган юртим бор. Ойхувон деган қизим бор юртимга сени подшо қиламан», — деди.

Гўрўғли набчраси Нуралига бир икки оғиз насиҳат қилди. «Ай болам, тебранади танам, ҳафа бўлма, жон болам. Борсанг Шоховоз деган кенти бор. Ойхувон деган қизи бор. Қизини сенга беради, лекин ҳаёлингни бўлма, олти ойда бораман. Хайр, омон бўл» — деб рухсат берди. Қаландар Нуралини олиб жўнади.

Достондан парча ва термаларни Бўкадаги 66-мактаб ўқитувчиси **Аҳмаджон ЭРГАШЕВ** ёзиб олган.

Адабиёт саҳифаси

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 18 ДЕКАБРЬ, 1967 Й.



ПОВЕСТЬ — ГИПОТЕЗА

— Бундан бир йил олдин Лондонда «Жаҳон футболига ёрдам бериш лигаси» номи остида яширин ташкилот тузилганлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Ўтмиш олтинчи йилда футболдан катта фойда кўриш учун йирик пул тикқан одамлар бу ташкилотга кирди. Лига ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган, ҳеч ким томонидан эътироф этилмаган. Менимча ҳатто ички ишлар министри ҳам бу ташкилотнинг ўзи тугул бирон бир аъзосини ҳам фош этолмайди. Ростини айтсам, мистер Чэпмен, лига жуда кучли, унга аъзо бўлган кишиларнинг қўлидан ҳар нарса келади...

Чэпмен тоқатсизлангандек қимирлаб қўйди. Кросби ҳам буни дарҳол фаҳмлади.

— Бироз чалғиб кетдим шекилли? Кечирасиз, мистер Чэпмен. Шундай пул учун ҳамма гапнинг астар-аврасини ағдариб ташласам арзимаб...дими!

— Менга «Олтин маъбуда» ҳақидаги маълумотлар керак. Лондонда минглаб очиғу ёпиқ ҳар хил лигалар бор. Аллақандай бир лига тўғрисидаги гапларингиз мени ҳеч ам қизиқтирмайди.

Лекин, мистер Чэпмен, мен айтаётган лига жуда қудратли. Ахир маъбудани ўғирлашга сабабчи бўлганлар ҳам шуларда!

— Ана, ана, ўғирлик бўлганлигига ўзингиз иқрор бўлаяпсиз-а?!

— Ҳамма гап шунда-да! Ҳеч қандай ўғирлик бўлмаган, Мистер Чэпмен, ижозатингиз билан бир нарса сўрайман. Маъбуда ўғирланганлигини эшитганингизда, ҳеч шубҳаландингизми?

— Ҳа, энди, ҳаммада ҳам шубҳа туғилган. Шундай қимматбаҳо буюм ўғирланади деб ким ўйлабди?

— Ҳеч ким ўйламаганди, дейсизми?—Кросби секингина кулиб қўйди.—Бир вақтлар ишим ўнгидан келиб қолган вақтда редакцияда ўтириб, суд ҳужжатларини титкилаб чиқишга муваффақ бўлдим. «Олтин маъбуда»нинг ўғирланишига одамлар тез ишониб қўя қолишганига ҳали ҳам ақлим бовар қилмайди. Ахир бу шундай кутилмаган ҳодиса эди-ку...

— Нимани назарда тутяпсиз?

— Шу, Вестминстердан кубокнинг тўсатдан ғойиб бўлиши ғаройиб-да. У ер одамлар билан шундай гавжум бўладики, айниқса якшанба кунлари ибодатга келувчилар тўлиб кетади...

— Бундай гаплар кўп айтилган. Ўғри, одамлар орган музикаси остида ёпиқасига куй айтаётган пайтда ишини қилган. Шовқин-сурон остида ҳеч ким уни сезмай ҳам қолган.

— Ибодат қилувчиларнинг сезгирлиги йўқолганлиги майли-ю, лекин ўша якшанба куни Сентралд-холлни бир эмас, олти жақувар қўриқлаб турган-ку!

— Жақуварлар Весминстер йўлакларига тарқаб кетишгани ўғрига қўл келган.

— Ажойиб соқчилар экан-ку! Уларга Сентралд-холлни қўриқлаш топширилса-ю, бутун бинога ёйилиб кетишса!

— Бу жуда ажабланарли гап эмас. Агар жақуварлар доимо кўз-қулоқ бўлишса, мамлакатда биронта ҳам ўғирлик бўлмасди.

— Лекин ўша пайтда соқчилар айниқса сезгир бўлишган-ку, буни ўзингиз ҳам эътироф этарсиз, мистер Чэпмен. Улар ўғрининг холлга киришига имконият яратиб, тарқалишган-у, қайтиб чиқаётганида эътибор ҳам беришмэган.

— Ўғри яшиндек тез ҳаракат қилган бўлиши мумкин. Кубокни олиш учун кўп вақт кетмаган.

— Ҳа, ҳар қандай пихини ёрган ўғри ҳам бу ўринда қийналган бўларди-ю, лекин бунисининг омади келган экан.

— Нима учун?

— Мистер Чэпмен, март ойида Сентралл-холлда «Почта маркаларида спорт тасвири» коллекцияси кўргазмаси очилганлиги эсингизда бўлса керак. Коллекция уч миллион фунт стерлинг баҳоланган эди. «Олтин маъбуда» кубоги қўйилган ойнаванд шкаф ичида жаҳон чемпионатида қатнашувчи ўн олти мамлакат марказлари ҳам бор эди. Ўғри чўнтагининг бир четига юқ бўлмайдиган уч миллионга қайрилиб ҳам қарамай, огир, қўпол кубокни ўғирлагани кулгили эмасми! Бу кубокни бутун олам заргарлари билади, уни бутунлигича ҳеч кимга сотиб бўлмайди. Фақат эритиб, тўкиш мумкин. Шунда ҳам ундан нари борса 30 минг даромад қилиш мумкин... Айтингчи, мистер Чэпмен, сиз шундай овсар ўғрини ҳеч учратганмисиз?

— Йўқ... Лекин фақат кубокни ўғирлашдан ўғрининг қандайдир бир мақсади бўлган бўлиши мумкин-ку!

— Эҳтимол, ҳазиллашиб ё атайин шундай қилгандир? Лекин, мистер Чэпмен, сакиз йил қамоқ билан таҳдирланувчи ҳазилни сиз ҳам хуш кўрмасангиз керак.

Шундай бўлса ҳам ўғри коллекцияни эмас, кубокни кўзлаганлигини унутмаслик керак.

— Рост, ўғри кубокни олиш учун борганлиги аниқ. Фикрингизга қўшиламан. Лекин бу ўғирлик эмас, бошқа бир нарсада!

— Ҳақиқий ўғри уч миллионни олайми ёки ўттиз мингними деб иккиланиб ўтирмайди. У бу ишни атайин қилмаган, шундай эмасми?

— Шундай-ку... Хуллас сиз қандай хулосага келдингиз?

— Хулоса шуки, полициячиларнинг кубокни кимдир бойлик орттириш учун ўғирлаган, деган фикри ўз-ўзидан пучга чиқади. Кейин, ўша кунлари Шотланд—ярд ҳақида «Дейли майл» да чиққан гаплар ҳам йўққа чиқади. Эсингизда борми, текширув органлари вакилларидан бири полиция маҳкамасига қўнғироқ қилиб, кубок ҳали бўлак-бўлак қилинмаганлигини, эритилмаганлигини хабар қилгани, газетада ёзилган эди. Хабардор одамлар маъбудани ўғирлаган ва яшириб қўйган шахснинг турар жойи, фамилиясини маълум қилишган эди. Бошқа газеталарда ҳам турли-туман тахминий гаплар ёзилганди, Мисол учун ўғри кубокни Черинг-Кросс вокзалининг омборига беркитиб қўйган, деган гаплар чиқди... Сиз бу сафсаталар нима учун тарқатилганини биласизми? Скотланд-ярддаги шахслар кубокнинг қаердалигини билсалар ҳам уни ахтариш керак деган гаплар тарқатишди.

— Полиция кубок қаерга яширилганини билганми?

— Ҳар қалай полициядаги айрим кишилар аниқ биларди. Сиз, мистер Чэпмен, йўқолган кубокни излаш муваффақиятли давом этяпти, деган хабарларга эътибор берганмисиз? Полиция ҳатто келгуси қунинёқ гумон қилинаётган кишининг белгиларини эълон қилганди. Сўнг, қидирув яхши кетаётганлиги, кубок тез кунларда топилишига умид кўплиги ҳақида хабар берилган эди. Шулардан яққол кўриниб турибдики, Скотланд-ярд ўғрилиндан хабардор бўлган. Сиз фикримга қўшиласизми, мистер Чэпмен?

Чэпмен сукут сақлар, унинг назарида юқорида келтирилаётган далиллар ишонарли эди. Кросби гапида давом этди:

— Шулардан сўнг яна сизга таъкидлашим мумкинки, 20 мартда ҳеч қандай Жюль Римэ кубоги ўғирланган эмас. Одамларни бекорга ларақиллатишган, холос.

— Тўхтанг-чи, энди эсимга келяпти, тўртинчи ёки бешинчи куни, Скотланд-ярднинг ўзи аҳвол анча мураккаблашди, деган эди. Буни менга ўша куни кечкурун, Рочестер-Роудаги полиция бошқармасида айтишган эди. Бу ҳақда сиз нима дейсиз?

Кросби тумшайиб, дудуқланди. Дарҳол жавоб бермади.

— Бешинчи куни бўлган қидирув, у бошқа гап, мистер Чэпмен.. Мен сизга ҳамма нарсани айтишга ваъда бердим. Икки юз фунт мен учун шундай катта пулки..,—у узоқ жим қолди-ю, сўнг яна гапира кетди:—Нима деётган эдим?

(Давоми бор).

(ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Шаҳар медицина билим юртида бошқа спорт турлари қатори волейбол секцияси ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган.

СУРАТДА: билим юртининг разрядли волейболчиси Н. Шоюнусхўжаева.

М. Нуриддинов фотоси.



Спорт

ТРЕНЕР... ЎҚУВЧИЛАР

Мактаб спорт зали. Бу ерда 20-ва 63- ўрта мактаб баскетболчилари терма командаларининг ўртоқлик учрашуви кетяпти. 20-мактабнинг спорт ихлосмандлари қаттиқ ҳаяжонда. Чунки 63-мактаб командасининг ўйинчиларидан Шавкат Юнусов, Баҳодир Исҳоқов, Ҳусниддин Нуриддинов, Саидмурод Хўжаевлар тўпни кетма-кет тўрга тушириб, ҳисобни 39 га етказишган.

Ёш баскетболчиларнинг ўртоқлик учрашуви 39:9 ҳисобида 63-мактаб терма командаси фойдасига тугади.

Бундай учрашувлар пойтахтимиздаги 20 ўрта мактабда тез-тез ўтказиб турилади. Мактабда баскетбол, волейбол, футбол, гимнастика секциялари узлуксиз ишлаб турибди. Буларга физкультура ўқитувчиларидан С. Шомуродов, А. Умаров, Ж. Қаюмовлар раҳбарлик қиладилар. Мактабнинг 60 ўқувчиси биринчи ва иккинчи разрядли спортчилардир. 130 ўқувчи эса БГТО ва ГТО нормативларини бажаришган. Шуниси қувончлики, мактабда кўпгина секцияларга ўқувчиларнинг ўзлари раҳбарлик қилишмоқда. Волейбол секциясига Азамат Усмонов бошчилик қилса, қизлар командаси билан Мавжуда Рихсибоева машғулотлар ўтказади. Баскетбол секциясини Баҳодир Исломов олиб боради.

Мактаб спортчилари гимнастика, шахмат, футбол бўйича шаҳар мактаблари орасида биринчи ўринни олиб, биринчи даражали дипломлар ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланганлар.

Ш. НИЗОМОВА,
О. ЭШМАТОВА,
63-мактаб ўқувчилари.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

РАДИОДА 18 ДЕКАБРДА ДУШАНБА

Биринчи

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 А. Уль. Юбилей квартети.
18.40 **Шу куннинг қўшиқлари.**
19.20 С. Нагаевнинг «Севилия» деган очерки ва концерт (татарча).
20.00 «Қишлоқ ҳалқ университетлари янги ўқув йилида» деган суҳбат (русча).
20.10 **«Қадрли хотин-қизлар, сизлар учун»** деган концерт.
20.45 **«Меҳнат унумдорлиги — асосий масала»** деган эшиттириш (ўзбекча).
21.00 **Ўзбекистон хотин-қизлари съезди делегатларининг талабларига мувофиқ концерт.**
21.45 **Саломатлигингиз ҳақида икки оғиз сўз** (ўзбекча).
21.50 **«Дунё воқеалари»** (ўзбекча).
22.15 **Енгил куйлар.**
22.40 «ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ». М. Аҳмедовнинг **«Биринчи қалдирғоч»** деган очерки (ўзбекча).
23.20 **Севги ҳақида қўшиқлар.**

Иккинчи

19.00 Д. Соатқулов. **«Фарғона квартети».**
19.30 «Ёш овозлар» (русча).
20.10 **Кинофильмлардан қўшиқлар.**
20.45 Медицина фанлари кандидати И. Раскиннинг «Ҳаёт мезони» деган суҳбати (русча).
21.00 С. Абдуқаҳҳорнинг **«Жумбоқ»** деган ҳикояси (тожикча).
21.30 Москва. Миллионлар денинча университети.

РАДИОДА 19 ДЕКАБРДА СЕШАНБА

Биринчи

8.25 «ДИЛОРОМ» деган концерт.
9.30 **Рақс куйлари.**
10.10 Симфоник миниатюралар.
10.30 **Ўзбекистон ССР халқ артистлари Коммуна Исмоилова ва Берта Давидова куйлайдилар.**
11.15 «Шонли меҳнаткаш ва ватанпарвар аёллар» деган эшиттириш (русча).
11.25 М. Насимов. **«Дилбарим»** деган вокал-лирик сюита.
12.15 **Музикали салом.**
13.30 Рус қўшиқлари ва рақслари.
18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 **Спорт эшиттириши** (ўзбекча).
18.40 **Қўшиқлар ва куйлар.**
19.20 Қорақалпоқ куйлари.
20.00 «Давр синовидан ўтган дўстлик». Иваново радиосининг эшиттириши (русча).
20.10 Хотин-қизлар учун концерт.
20.45 **«Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида»** эшиттириш (ўзбекча).
21.20 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**
21.50 **«Дунё воқеалари»** (ўзбекча).
22.15 **Рақсга марҳамат.**
22.40 Ўзбек ҳикоялари антологияси. Мирмуҳсин. «Мона» (русча).
23.10 «Она алласи» деган музикали-адабий композиция.

Иккинчи

7.15 Қурувчилар учун концерт.
8.25 Классик куй шинавандалари учун концерт.
19.00 **Чекистлар байрамига бағишлаган адабий эшиттириш** (ўзбекча).
19.30 Кольцов шеърлари ва қўшиқлари.
20.10 СССР халқларининг қўшиқлари.
21.00 Бурҳонов ва Юдаков асарларидан концерт (тожикча).
21.30 Москва. Миллионлар денинча университети.

Учинчи

14.00 Руминия опера ва балет театри артистларининг якунловчи концерти.
17.30 П. И. Чайковский. «Иоланта» операси.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА КЎРИНГ!

ТЕЛЕВИЗОРДА 18 ДЕКАБРДА ДУШАНБА

Биринчи

18.00 Ўзбек тилида болалар учун «ОНАЖОНЛАР» деган эшиттириш.
18.20 Совет Армияси жанговарлари учун. **«Солдат мактублари».**
18.40 «ЁРҚИН ҲАЁТ». Ўзбекистон хотин-қизларининг IV съездига бағишланган телевизион журналнинг махсус сони.
20.00 **Грек халқ музикаси оркестрининг гастроллари. Свердлов номли концерт залидан Микис Теодоракис куйларидан концерт олиб кўрсатилади.** Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

«УЗДОРРЕСТОРАН»
ТАЪМИНОТ БАЗАСИГА
катта бухгалтер ўринбосари, ҳисобчи ва фактурачи
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Болгар Огороди тупиги, 29-уй (6, 12-трамвайларнинг «Кўк бозор» бекати»).

ҲАМЗА НОМЛИ
АКАДЕМИК ДРАМА
ТЕАТРИГА
саҳна ишчилари
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уйғур кўчаси.

Иккинчи

Ўзбек тилида:
18.00 **Ўқув эшиттиришлари программаси.** Ўқувчилар учун. Химия. **«Инерт газларининг табиий группаси».**
18.30 **Студентлар учун.** Физикадан машғулот.
19.00 **Студентлар учун.** Назарий механика.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
20.25 Эшиттиришлар программаси.
20.30 Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун эшиттириш.
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.10 «Музей ва виставка залари бўйлаб».
21.30 **Марксизм-ленинизм мактаби асослари тингловчилари учун.** «Реакция ва янги революцион кўтарилиш йилларида партиянинг роли».
22.00 **Фигурали учиш бўйича халқаро учрашувлар.** Танаффус вақтида «Голлар, очколар, секундлар».
23.30 Телевизион янгиликлар.
24.00 И. Кузнецов. **«Графиня Ланская совғаси».** Телеспектакль премьераси.
01.20 Музикали маяк.
01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

Учинчи

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ
Қирғиз тилида:
18.00 Телевизион янгиликлар.
18.15 «26 БОКУ КОМИССАРЛАРИ». Бадиий фильм.
20.00 **«Бизнинг юбиляр».**
20.30 Эшиттиришлар программаси.
Рус тилида:
20.35 Телевизион янгиликлар.
20.50 Музикали эфир.
21.10 **ВЧК нинг 50 йиллиги олдидан.** «КЎРИНМАС ФРОНТ СОЛДАТЛАРИ».

ТЕЛЕВИЗОРДА 19 ДЕКАБРДА СЕШАНБА

Биринчи

17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Болалар учун. **«Ҳар доим бўлсин онам».**
18.30 **Алишер Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театридан санъат усталарининг Ўзбекистон хотин-қизларининг IV съездига бағишланган концерти олиб кўрсатилади.** Танаффусда телевизион янгиликлар.
21.00 Ўзбек тилида телевизион янгиликлар.
21.20 **ВЧК ташкил топган кунининг 50 йиллигига бағишланган эшиттириш.**
23.00 «ЗАРАФШОН ҚИЗЛАРИ». Тошкент телевидение студияси ишлаган телефильм премьераси.

Иккинчи

Рус тилида:
18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Ўқувчилар учун. Эстетикадан машғулот.
18.30 Студентлар учун назарий механика.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
19.45 Эшиттиришлар программаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ҲАР КУНИ
Совет циркининг усталари
«МАЙДОНДА МОСКВАЛИКЛАР» КОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ
Программада: Олег СОКОЛ раҳбарлигидаги «РОБОТ» радиомеханик одам иштироки да СССРда битта бўлган электрон-иллюзия аттракциони, РСФСР да хизмат кўрсатган артист М. Николаев раҳбарлигидаги гурнни гимнастлари ва ҳар хил цирк номерлари программаси.
Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

Учинчи

ОЛМАОТА КЎРСАТАДИ
17.00 Болалар учун кинофильм.
18.10 **«Беш йилликлар ҳақида ҳикоя».**
18.40 **«Фан ва техника янгиликлари».** Киножурнал.
19.00 Талабларга мувофиқ концерт.
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
19.30 Ўқувчилар учун. **«Адабий топишмоқ».**
Рус тилида:
20.00 БАДИИЙ ФИЛЬМ.
21.35 **Ўзбекистон хотин-қизлари IV съезди делегатларининг талабларига мувофиқ концерт.**
19.50 «Сенга, ёшлик!»
20.20 «ЖАСОРАТ». Телевизион альманах.
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.10 Беш йилликнинг иккинчи йили.
21.30 **Марксизм-ленинизм асослари мактаби тингловчилари учун.** «Социализм сиёсий иқтисодидан машғулот».
22.00 К. Федин. **«Чол».** Телеспектакль премьераси.
23.10 **Совет жангчилари Ватан ҳимоясида.**
23.30 Телевизион янгиликлар.
24.00 «Севимли қўшиқчилар» циклидан. СССР халқ артисти Иван Петров ҳақида эшиттириш.
00.45 **«Явани биласизми?».** Спорт эшиттириши.
02.00 Москва эшиттиришларининг охири.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА
„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“
газетасининг эълонлар бўлимн ҳар турли эълонларни қабул қилади.
Шу жумладан ишга тақлиф конкурслар, диссертация ёқлаш ҳақида, таъзия, ҳар хил буюмларни сотиш (уйлар, хоналар мебеллар, гуллар в. б.) штамп, думалоқ печатлар, етуклик аттерсатлари, дипломлари йўқолганлиги тўғрисида.
Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатла босиб чиқарилади.
Эълонлар якшанба кундан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.
Адрес: Тошкент шаҳар. «Правда Востока» кўчаси. 26-уй, 1-қават.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
20 декабрда
Ўзбекистон ва Туркманистон ССР халқ артисти
Комилжон ОТАНИЁЗОВ иштирокида
(туғилган кунининг 50 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 35 йиллигига бағишланган)
ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТИ
Концертда Олмахон Ҳайитова, Шариф Султонов, Гулчеҳра Исмоилова, Ражаб Исмоилов ва бошқалар қатнашади.
Концерт кеч соат 8 да бошланади.
Концерт зали кассаси кундуз соат 2 дан, район кассалари эрталаб 11 дан очиқ.

БИРЛАШГАН НАШРИЁТ
Чуқур печат бўйича ретушёр, монтажчи, шлифовщик, нусха кўчирувчи, травильщик ва печатчи мутахассисларига ўқитиш учун (Москва ва Киев шаҳарларида) ўрта маълумотли
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Ўқиш муддати 3 ойдан бир йилгача.
Ўқиш вақти ишлаб чиқариш стажига қўшилади.
Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

„УЗЭНЕРГОСБИТ“
Энергосбит абонентлари ҳисобланган ҳамма граждандардан фойдаланилган
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
учун бўлган қарзларини 1967 йилнинг охиригача тўлашларини сўрайди.
Ўтган ойлар учун қарзлари бўлган абонентлар дарҳол тўлашлари керак.
Ўз вақтида тўланмаган счётларга электр энергияси огоҳ қилинмасдан ўчириб қўйилади.

„УЗЭНЕРГОСБИТ“
1967 ЙИЛ ТАМОМ БЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
Энергосбит абонентлари ҳисобланган ҳамма ташкилот, корхона ва муассасалардан
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
учун бўлган қарзларини Давлат банкининг Ленин район, 222103 ҳисоб счётига тўлашларини сўрайди.
Справкалар учун телефон номерлари: В3-29-56, В3-78-60 (1 Май кўчаси, 101-уй).

Республика маданий молар улгуржи базаси «Узкультторг коллективи база бошқарувчиси Шариат Исломович Исломовга отаси
МУХИТДИНОВ Исломнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОКШОМИ 4 БЕТ — «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»— Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор—В3-02-49 дан В3-02-58 гача, редактор ўринбосарлари— В3-29-33; В3-29-09; масъул секретарлар—В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими—В3-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими—В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—В3-27-57; ахборот бўлими—В3-65-57; эълонлар бўлими — В3-81-42.

18 ДЕКАБРЬ, 1967 И. Р. 15117. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3084.